

## **Халқаро Диний Эркинлик Масалалари бўйича АҚШ Кўмитасининг 2009 йил Йиллик Ҳисоботининг Қисқача Таҳрири**

1998 йил Халқаро Диний Эркинлик Акти (ХДЭА) асосида ташкил этилган АҚШнинг Халқаро Диний Эркинлик Кўмитаси (АҚШХДЭҚ ёки Кўмита) мустақил, бипартизан АҚШ хукумат кўмитаси бўлиб, чет элларда Умумжахон Инсон Ҳукуклари Декларацияси ва бошқа ҳалқаро инструментларда таърифланган дин ва иймон эркинлиги бузилиши холатларини кузатиб боради, ҳамда Президент, Давлат Котиби ва Конгресс учун сиёсий тавсиялар беради.

АҚШ Давлат Департаментидан мустақил бўлган ҳолда Кўмита 10 та аъзодан иборат. Кўмитачилар Президент томонидан тайинланади ва олтитаси Конгресс раҳбарияти томонидан тасдиқланади. Ҳалқаро Диний Эркинлик бўйича Жаҳон Элчиси лавозими ҳам ХДЭҚ томонидан Давлат Департаменти қошида ташкил этилган бўлиб, лавозими бўйича Кўмитанинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган аъзоси ҳисобланади.

Кўмита аъзолари ташки алоқалар, инсон ҳукуклари, диний эркинлик, ҳалқаро ҳуқуқ соҳаларида бой тажриба ва билимга эга. Кўмитанинг ўн йиллик фаолияти давомида Кўмита аъзолигида Католик бишоплар, Мусулмон имом, Яхудий инсон ҳукуклари ҳимоячиси ва Равин, Протестант рухоний аъзолар бўлган, шунингдек, Провослав Христиан, Мормон, Хинду, Буддист ва Бахай динлари вакиллари бўлган юриспруденция ва ташки сиёsat эксперtlари аъзолар таркибига кирган. Уларнинг раҳбарлигига Кўмита турли масалалар, мамлакатлар ва динларни ўз қамровига олган диний эркинлик бузилиши холатларини ўрганиб, ўз тавсияларини тақдим этган. Масалан, Кўмита Буддистлар номидан Бирмада, Хиндулар номидан Бангладешда, Шия мусулмонлари номидан Саудия Арабистонида, Яхудийлар номидан Венасуэлада, Ахмадийлар номидан Покистонда, Уйғур мусулмонлари номидан Хитойда, Христианлар номидан Суданда, Бахайлар номидан Эронда фаолият олиб борган.

Йиллик Ҳисобот Кўмита учун маҳсус эътиборда бўлган давлатларда дин ёки иймон эркинлиги шароитларини тасвирлаб беради, ҳамда дин ёки иймон эркинлиги масалалари АҚШ ташки сиёsatининг янада ажralmas қисми бўлиб қолишини таъминлаш мақсадида сиёсий тавсиялар бериб боради. Йиллик Ҳисобот диний эркинликни жиддий равиша чеклаган давлатларни Давлат Котиби томонидан ХДЭА доирасида “Маҳсус Этибордаги Давлат” сифатида эътироф этиш тавсия қилинган давлатлар; диний эркинликни чегералаган, лекин МЭД сифатида эътироф этиш учун етарли асос бўлмагани учун Кузатувдаги Рўйхатга киритилган давлатлар; ва Кўмита томонидан яқиндан кузатиб борилаётган бошқа давлатлар бўйича маълумотларни ўз ичига олади. Ҳисоботнинг тўлиқ матнини [www.uscirf.gov](http://www.uscirf.gov) манзилидан олиш мумкин.

2009 йил Йиллик Ҳисоботи 2008 йил май ойидан 2009 йил апрел ойигача даврни ўз қамровига олади.

**Маҳсус Эътибордаги Давлатлар ва Кузатув Рўйхати**

Президент томонидан ваколат берилган Давлат Котиби томонидан қайси давлатлар “Махсус Эътибордаги Давлат” ёки МЭД сифатида эътироф этилиши хақида ХДЭҚ йўналишлар беради. Ҳукуматлари диний эркинликни “ўта жиддий” равишда бузган ёки бундай ҳаракатларни бартараф этшга уринмаган давлатлар МЭД сифатида эътироф этилади. ХДЭҚ “ўта жиддий” иборасига “систематик, давомий, яққол намоён бўлган”, жумладан қийноқ, айловсиз узоқ муддат қамоқда саклаш, бедарак йўқотиш, ёки “яшаш, озодлик, инсон хавфсизлиги ҳуқуқларини очиқдан-очиқ рад қилиш” ҳаракатлари деб таъриф беради. Мамлакат МЭД сифатида эътироф этилганидан сўнг, Президент, қонунга биноан, ХДЭАда кўзда тутилган чораларни кўриш орқали бундай ҳуқуқбузарликларга қарши туриши лозим.

Давлат Департаменти 2009 йилнинг январ ойида 2006 йилда МЭД сифатида эътироф этилган саккиз давлатни яна қайта эътироф этди, улар: Бирма, Корея Халқ Демократик Республикаси (Шимолий Корея), Эритрея, Эрон, Хитой Халқ Республикаси, Саудия Арабистони, Судан ва Ўзбекистон. Тегишли чоралар кўришни бошлашдан аввал “(Халқаро Диний Эркинлик) Акти мақсадлари йўлида” Давлат Департаменти Ўзбекистонга 180 кунлик, Саудия Арабистонига эса аниқ кўрсатилмаган муддат беришга қарор қилди. Бу муддатлар берилиши натижасида, АҚШ бу икки давлатдаги диний эркинликни ўта жиддий тарзда бузилиши ҳолатларига қарши хеч қандай сиёsat юргазмайди.

Ушбу ҳисобот даврида Кўмита қўйидаги 13 давлатни МЭД сифатида эътироф этишини тавсия қиласди: Бирма, Корея Халқ Демократик Республикаси (Шимолий Корея), Эритрея, Эрон, Ироқ,<sup>1</sup> Нигерия,<sup>2</sup> Покистон, Хитой Халқ Республикаси, Саудия Арабистони, Судан, Туркманистон, Ўзбекистон ва Ветнам.

Кўмита, шунингдек, МЭД сифатида эътироф этиш учун етарли асос бўлмаган давлатлар ҳукуматлари томонидан дин эркинлигини жиддий тарзда бузилиши ёки бундай ҳолатларга қарши чора кўрмаслик ҳолатларини яқиндан кузатиш эҳтиёжидан келиб чиқиб, Кузатув Рўйхатига киритилувчи давлатлар бўйича ҳам тавсия беради. Бу давлатлар яқиндан кузатиш, баъзи ҳолатларда Давлат Департаменти ва ҳалқаро ташкилотлар томонидан мақсадли дипломатик чоралар кўрилишига лойик топилади. Ушбу ҳисобот даврида Кўмитанинг Кузатув Рўйхати Афғонистон, Беларусия, Куба, Миср, Индонезия, Лаос, Россия, Сомали, Тоҷикистон, Туркия ва Венасуэла давлатларини ўз ичига олади.

## **Кўмитанинг Ўзбекистондаги вазият бўйича маълумоти**

Ўзбекистон 1991 йилда мустақилликка эришгандан буён, фудаментал инсон ҳуқуқлари, дин ва виждан эркинлиги қаттиқ босим остида колди. Дин эркинлигини чекловчи қонунлар диндор ҳамжамиятларнинг фаолият юритишини ўта мушкул ҳолга

<sup>1</sup> Кўмитанинг Ироқ хусусидаги ҳисоботига қўшилган ҳолда, Кўмита аъзолари Кромарти, Ийд, Ланд ва Лео МЭД сифатида тавсия бериш фикридан қайтиб, Ироқнинг Кўмитани Кузатув Рўйхатига киритиш хақида хулоса беришган.

<sup>2</sup> Кўмита аъзоси Кромарти МЭД сифатида тавсия бериш фикридан қайтиб, Нигериянинг Кўмитани Кузатув Рўйхатида қолиши хақида хулоса берган.

келтириб, Ўзбекистон ҳукуматига уларни бошқаришда кенг имкониятлар беради, шунингдек, Ислом динига юқоридан тасдиқлаб берилган тусда амал қилишга ундейди. Ўзбекистон ҳукумати мусулмон шахсларни қамоққа олиш, давлат томонидан сиёсий экстремистик ташкилотларга алоқадорликда айбланган гурухлар ва масжидлар вакилларини қийноққа солиш ишларида давом этмоқда. Сўнги йиллар давомида бу сиёсат натижасида минглаб одамлар қамалди; кўпчилик шахслар тегишли равишида ҳуқукий кўмак олишдан маҳрум қилинди ва қийноққа солинди. Ўзбекистон худудида ўзини дин йўлида этиб кўрсатувчи *Хизб-ут-Тахрир* ва бошқа гурухлар хавфи мавжуд, лекин бу хавф давлат томонидан диндорларга нисбатан адолатсиз ёндашувни оқлай олмайди. Кўмита Ўзбекистонни Давлат Котиби томонидан “махсус эътибордаги давлат” ёки МЭД сифатида эътироф этилишини тавсия қиласи. Шу билан бирга, Кўмитанинг Ўзбекистонни МЭД сифатида кўриш борасидаги тавсияси *Хизб-ут-Тахрир* ташкилотини, яъни Farbga, ўртамиёна мусулмонларга, яхудийлар ва бошқаларга нисбатан нафрат ҳиссини тарғиб қилувчи ташкилотни ҳимоя қилиш деб тушунилмаслиги лозим. 2006 йилдан буён Давлат Департаменти томонидан Ўзбекистон МЭД сифатида эътироф этилган.

Давлат конституциясида дин ва давлат бир-биридан айриқ деб эътироф этилганига қарамай, Ўзбекистон ҳукумати Исломий ташкилотлар ва диний фаолиятларни расмий ваколатли Мусулмон Диний Кенгаши (Муфтийлик) томонидан қаттиқ назорат қилиб боради. 1998 йилда Ўзбекистон ҳукумати томонидан мамлакатда мавжуд бўлган 5000 масжиднинг 3000 таси ёпиб қўйилган. Давлат Департаментининг маълумотига кўра, баъзи масжидларни расмий имомлар назорати остида сокин фаолият юритишига рухсат берилган. Мамлакатнинг энг фаол диний ҳудуди ҳисобланган Фарғона водийсида давлат бир қатор масжидларни мусодара қилиб, уларни омборхона ёки бошқа давлат мақсадларига йўналтирган. Бир неча йиллар илгари давлат томонидан бу ҳудудда ахолининг кундалик диний хаёт кечириши йўлига маъмурий ва бошқа тўсиклар кўлланилган. Масалан, Андижон вилоятида вилоят хокими томонидан масжидларда аzon айтилиши ва тўйларда диний маърузалар қилиниши таъқиқланган. Давлат Департаментининг 2006 йилги ҳисоботига кўра, ҳудудий расмийларга болаларнинг масжидга боришига тўсқинлик қилиш ҳақида давлат томонидан кўрсатма берилган. Давлат Муфтийлик идораси орқали имомларнинг ўқитилиши, тайнинланиши ва ишдан олинишини тўлиқ назорат қилинади. Ўзбекистонда давлат назорати остида ўрта таълим берувчи 10 та *мадраса* мавжуд (шундан иккитаси аёллар учун), шунингдек расмий Ислом Институти ва Тошкент Ислом Университети олий таълим даражасида таълим беради. Мамлакатда маълум микдорда шиялар истиқомат қилсада, шия диний етакчилари учун таълим ташкиллаштирилмаган, ҳамда давлат шиялар учун мамлакат ташқарисида таълим олишга ҳам рухсат бермайди, лекин Давлат Департаментининг хабар беришича, Сунний *мадрасалар* шия мазхабидаги курсларни ҳам ўқитади. Давлат, шунингдек, хусусий маблағлар билан юритилаётган диний мактабларни ҳам ёпиб қўяди ёки мусодара қиласи. Ўтган 10 йил давомида, айникса 1999 йилдан буён, Ўзбекистон ҳукумати томонидан давлатнинг дин устидан назоратга бўйсунмаган, ҳамда давлат томонидан *Хизб-ут-Тахрир* каби диний ташкилотларга алоқадорликда айбланган минглаб мусулмонлар 20 йилгача бўлган муддатларга қамалган. Давлат Департаменти хабарига кўра, 2007 йилда 5,000-5,500 шундай маҳбуслар бўлиб, руҳий шифохоналарга жўнатилган маҳбуслар сони ҳам шу рақам ичига киритилган. Ҳалқаро ва Ўзбекистонлик инсон ҳуқуклари ҳимоячилари маълумот беришича, юқоридаги маҳбусларнинг ягона “жинояти” кундалик намоз ўқигани

ва Исломий таълим олганидир. Давлат Департаментининг 2008 йилда берган хабарига кўра, махалла қўмиталари ва имомларга ўз яшаш жойларида экстремист фаолият ёки гурухлар билан алоқадор бўлиши мумкин бўлган шахсларни аниқлаш ҳақида кўрсатма берилган, мезон сифатида эса, ҳар куни намоз ўқувчилар ва диндорлиги очик маълум бўлғанлар кишилар дейилган. Бундан ташқари, “давлат органлари ҳақиқий (*Хизб-ут-Таҳрир* экстремист гурухи) аъзолари ва улар билан юзаки алоқада бўлган, масалан биргаликда Қуръон дарсларида қатнашган шахслар ўртасида факр қилмайди.” Инсон хукуклари ташкилотлари берган маълумотларга кўра, қамоқдагиларнинг кўпчилиги сохта наркотик айловлари ёки таъқиқланган адабиётларни сақлаганликда айбланганд. Қамоққа олингандан сўнг уларга кўпинча адвокат кўмагидан фойдаланишга рухсат берилмайди ёки ҳафталаб ва ойлаб изоляторда сақланади. Диний айловлар билан қамалганларнинг кўпчилиги алоҳида қаттиқ қийноқларга солинади; махбуслиқда намоз ўқиган ва диний амалларни бажарган кишилар янада қаттиқ азобга солинади, калтакланади ва ўз диний ва сиёсий қарашларидан воз кечишга ундалади.

Ўзбекистон ҳукуматининг қийноқдан воз кечиш ҳақидаги ваъдаларига қарамай, бу услуб мамлакат бўйлаб кенг тарқалган. БМТнинг Қийноқ Масалалари бўйича Maxsus Котиби ўзининг 2003 йил феврал ойидаги ҳисботида, Ўзбекистонда “қийной ёки шу каби ҳаракатлар систематик тус олган”, шунингдек “қийнокнинг тергов жараёнларида кенг тарқалганилиги ва кенг қўлланилишини рад қилиб бўлмайди” деб, маълумот берган. Ўзбекистон Олий Судининг 2004 йилдаги қийноқ орқали қўлга киритилган далиллардан фойдаланишни таъқиқловчи қарорига қарамай, тергов жараёнларида қийноқ усуllibаридан фойдаланиш сезиларли даражада пасайгани йўқ. 2007 йилда БМТнинг Қийноққа қарши Қўмитаси қийноқ усуllibарининг бир катор ҳолатларда давомий равишда, кўп ҳолатларда эса, расмий айлов эълон қилгунга қадар қўлланилаётгани тасдиқлади. Ўзбекистон ҳукумати тергов жараёнида қийноқ усуllibари қўлланилишига барҳам бериш борасида баъзи тадбирларни амалга оширди, лекин бир катор ҳисботлардан аниқланишича, қийноқ давомий ва систематик ҳолда қўлланилишда давом этмоқда, ҳамда қийноқ усуllibарини қўллаган шахслар жуда кам ҳолатларда жавобгарликка тортилади.

Қамоқларда, терговгача сақлаш муассасаларида, милиция ва хавфсизлик хизмати камераларида қийноқ кенг тус олган. 2008 йилнинг август ойида, Форум 18 хабар беришича, “жисмоний куч ишлатиш ёки у билан қўрқитиш, зўрлаш, жабрланувчиларни нафас олишини тўхтатишда газ маскаларини қўллаш” усуllibари “катталар ва болаларни ўз қарашларидан қайтариш, ўзи ёки атрофидагиларни айловчи кўрсатмалар беришга мажбурлаш мақсадида қўлланилади. Қийноқ ва қўрқитишлардан сўнг, кўпинча шахслар ҳали қамоқда сақланаётган пайтда, рўйхатга олинмаган диний ҳамжамиятларга милиция ёки хавфсизлик хизмати вакиллари томонидан рейллар ўтказилади.” 2008 йилнинг май ойида диний экстремизм айловлари билан 15 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган Одил Азизов оиласига унинг жасади топширилган; Давлат Департаментининг хабар қилишича, унинг танасида қийноқ асоратлари бўлган. Маълумот берувчиларнинг хабарига кўра, бир неча ҳолатларда тиббий қийноқ, жумладан сиёсий айлов ҳолатларида, мажбурий руҳий даво усуllibари қўлланилган. Шунингдек, махбуслар орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари қайд этилган. Юқорида тасвирланган ҳолатларда айловлар деярли тўлалигича ўз айбига иқрор бўлиш асосида кўйилган, бу эса, Давлат Департаменти хабарига кўра, кўп ҳолатларда қийноқ орқали қўлга киритилади. Human Rights Watch ҳисботига кўра, 2005

йилдаги Андижон воқеаларидан сўнг (қўйига қаранг) хукуматнинг қийноқ қўлланилишига қарши кураши ва қамоқхоналардаги шароитларни яхшилаш борасидаги амалга ошираётган ишларини бетараф ҳолда ўрганиш янада қийинлашган. Яна бир эътиборга молик жиҳат шундаки, маҳбуслар, айниқса диний экстремизм айбловлари билан қамалган шахслар белгиланган жазо муддати тугаши билан озодликка чиқарилмайди. Бунинг ўрнига, қамоқхона раҳбариятлари маҳбусларнинг жазо муддатларини – юридик холосасиз – янги жиноятларда айблаш орқали, уларни жамиятга хавф эканлигини таъкидлаб, узайтиришади. Давлат Департаментининг хабарига кўра, 2008 йилда Ўзбекистон хукумати Ҳалқаро Қизил Ҳоч Қўмитасига қамоқхонага ташриф буюришга рухсат берган.

Ўзбекистон хукумати хавфсизлигига ўзини динга мансуб тутган маълум экстремист ёки террорист гурухлар томонидан маълум хатарлар мавжуд, масалан, қўпорувчилик ишларини амалга оширувчи Ўзбекистон Ислом Харакати, лекин АҚШнинг Афғонистондаги харбий операциялари натижасида бу харакатнинг сафи анча камайган. Ўзбекистонда шу кунгача мақсади ноаниқ бўлган қўпорувчилик ҳолатлари кузатилиб келинмоқда. 2005 йилнинг май ойида, Андижон шаҳрининг марказий майдонида исломий экстремизмга алоқадорликда айбланган 23 маҳаллий бизнесмен суди устидан норозилик билдириш учун йигилган бир неча минг қуролланмаган фукаро Ўзбекистон қуролли кучлари томонидан огохлантиришсиз ўққа тутилган. Ҳалок бўлганларнинг таҳминий сони давлат расмий маълумотига кўра 187 та, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига (ЕХХТ) кўра, эса 700 дан ошиқ; баъзи нодавлат ташкилотлари (НДТ) хабарларига кўра, 1000 дан ошиқ эркак, аёл ва болалар ҳалок бўлган. Европа Иттифоқи (ЕИ), ЕХХТ ва БМТ Инсон Ҳуқуқлари Юқори Комиссари томонидан мустақил ҳалқаро текширув ишларини амалга ошириш ҳақидаги чакиравларни Ўзбекистон хукумати рад этишда давом этмоқда.

Андижон воқеаларидан сўнг, Ўзбекистон ҳуқуқ тартибот органлари томонидан юзлаб маҳаллий фуқаролар, инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари ва журналистлар бўлиб ўтган воқеаларга алоқадорликда айбланиб, қамоққа олинди. Human Rights Watch ташкилотининг 2008 йил декабрда берган ҳисоботига кўра, Ўзбекистон хукумати “Андижон воқеалари ҳақида хабардор ёки уларга алоқадор бўлган шахсларни ҳалигача қидириш ва таъқиб қилиш ишларини давом эттирмоқда.” Бундай кишилардан бири Саиджаҳон Зайнабитдиновдир. У журналистларга Андижонда Ўзбекистон қуролли кучлари томонидан ишлатилган ўқдонларни кўрсатган эди, ҳамда у билан Қўмита вакиллари 2004 йилдаги ташриф давомида учрашган. 2008 йилнинг феврал ойида етти йилга қамалган Зайнабитдинов, яна беш сиёсий маҳбус билан биргаликда озодликка чиқарилди – Ўзбекистон хукумати ва ЕИ вакиллари учрашувидан бир кун олдин. Инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларини инсон ҳуқуқлари поймол қилиниши ҳақида гапирмасликлари учун уларнинг яқинлари таъқиб қилинган; ҳуқуқ ҳимоячиларининг қариндошлари қўрқитилган, иш жойларидан бўшатилган, калтакланган, баъзи ҳолларда қамоққа олинган, тергов қилинган ва сохта айбловлар билан қамалган. Давлат Департаментининг ҳисоботига кўра, Ўзбекистон хукумати бир неча ҳолатларда, Андижон воқеалари пайтида ўз юртини тарк этган, БМТ нинг Қочоқлар бўйича Юқори Комиссарияти ҳимоясида бўлган қочоқларни мажбурий равишда қайтариш учун бошқа мамлакатларга босим ўтказган. 2007 йилда БМТнинг Қийноққа қарши Қўмитаси маълум қилишича, ўз юртини тарк этган ва кейинчалик Ўзбекистонга қайтарилган одамларнинг баъзилари номаълум жойларда

изоляцияда сақланган, ҳамда уларга нисбатан Қийнокқа қарши Конвенция шартлари бузилган.

Кўплаб мусулмон давлатларида ман қилинган *Ҳизб-ут-Тахрир* қўпорувчилик ҳаракатларига қўшилмасликни ўз олдига мақсад қилиб қўяди, лекин бу гурух бошқа динларни тан олмайди ва баъзи ҳолатларда қўпорувчилик ҳаракатларини маъқуллайди. Бу гурух дунё миқёсида мавжуд ҳукуматлар ўрнига халифалик тизимини ўрнатишга ва Исломий шариатни экстремистик талқинини жорий этишга чорлайди. Бу мақсадларга эришиш йўлида айнан қандай усуллардан фойдаланишини аниқ кўрсатмасада, Давлат Департаментининг диний эркинлик тўғрисидаги ҳисоботида, “гурух аъзолари ўзлари қўпорувчилик ҳаракатларига ўтишлари мумкинлигини” билдиради. Шу жумладан, Давлат Департаментининг ҳисоботига кўра, *Ҳизб-ут-Тахрир* материалларида “кескин анти-семитик ва анти-Ғарб реторика” мавжуд. Қамоқлардаги минглаб махбуслар *Ҳизб-ут-Тахрир* гурухига аъзоликда айбланган; кўплаб суд жараёнларида эса, Ўзбекистон ҳуқуқ тартиботи органлари томонидан уларнинг қўпорувчилик ҳаракатларида иштирокини тасдиқловчи далиллар келтирилмаган. Қамоққа олингандарнинг кўпчилиги нотўғри равищда аъзолик ва алоқадорликда айбланган, баъзи ҳолларда қамоққа олиш пайтида улар ёнидан *Ҳизб-ут-Тахрирга* оид адабиётлар топилган – ёки атайнин ташлаб қўйилган. Давлат Департаменти ҳисббот беришича, 2008 йилда 5,000 – 5,500 сиёсий махбуслар орасидан 4,500 киши *Ҳизб-ут-Тахрирга* аъзоликда айбланиб қамалган. Шунингдек, ҳисбботларга кўра, 2007 йилнинг ноябр ойида *Ҳизб-ут-Тахрирга* аъзоликда айбланиб қамалган уч киши Андижон қамоқхонасида вафот этган; уларнинг танасида қийноқ асоратлари борлиги маълум булган. Давлат Департаменти берган маълумотга кўра, маҳаллий инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари хабар қилишича, ўтган йилда милиция ва хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан, *Ҳизб-ут-Тахрир* ҳалқаларига барҳам бериш мақсадида, кўплаб аъзоликда шубҳа қилинган кишиларнинг оила аъзолари қамоққа олинган.

2005 йил май ойидаги Андижон воқеаларидан сўнг, Ўзбекистонда мустақил мусулмонлар устидан очилган суд ишлари сони сезиларли даражада ошди. 2005 йилнинг май ойига қадар қамоққа олинган мусулмонларни давлат идоралари кўпинча *Ҳизб-ут-Тахрирга* аъзоликда айблашарди; ундан буён эса, қамоққа олинган мусулмонларни – кўп ҳолатларда далилсиз равищда – “Вахобий” ёки Андижон воқеаларида асосий рол ўйнаган, таъқиқланган *Акромия* (қўйига қаранг) гурухига аъзоликда айблай бошлашди. Саудия Арабистонида “Вахобий” деб, одатда Сунний Исломни қатъий равищда талқин қилувчи кишиларга айтилади, Ўзбекистонда эса, бу расмий тусда ишлатилувчи термин мусулмон шахслар ва гуруҳлар, жумладан экстремистлар, Каримов режимига сиёсий жиҳатдан қарши бўлганлар ва Исломга давлат кўрсатмасига бўйсунмаган холда амал қилувчи кишиларга нисбатан кўлланилади. Ўзбекистон давлат идоралари томонидан бу гуруҳлар ва шахсларнинг барчаси teng равищда таъқиб қилинади. Ўзбекистондаги Инсон Ҳукуклари Ташаббускор Гурухи хабар қилишича, 2006 йилнинг июн ойида милиция томонидан Қуръон, *хадис* (Мухаммад пайғамбар томонидан айтилган сўзлар), бошқа диний китоблар, сургун қилинган имом Обид кори Назаров ва унинг талабаси Хайрулла Хамидовларнинг аудио тасмалари мусодара қилинган. Бу икки киши “Вахобийликда” айбланиб, қамоққа олинган, лекин маълум қилинишича, улар фақатгина мустақил диний таълим олишни истаган. Инсон ҳукукларини ҳимоя қилиш ташкилотларининг хабар қилишича, давлат идоралари томонидан “Вахобий” етакчиси деб таъқиб қилингач,

мамлакатдан қочишга мажбур бўлган Назаров экстремизмни тарғиб қилмаган, балки, давлат кўрсатмаларидан ташқарида фаолият юритган.

Ўзбекистон хукумат идоралари бутун бошли оилаларга нисбатан ҳам диний экстремизм айбловларини қўйиб, репрессив харакатларни амалга оширган. 2004 йил Қўмита билан учрашган Марғилонлик инсон хуқуqlари химоячиси Ахмаджон Мадмаров бунга бир мисол бўла олади. 2007 йилнинг сентябр ойида Ахмаджоннинг Навоий қамоқхонасида экстремистик қўпорувчилик ҳаракатларида айбланиб, қамоқ жазосини ўтаётган ўғли Ҳабибуллога нисбатан қамоқ муддати 16 ярим йилга узайтирилган. Мадмаровнинг ўғилларидан бири етти йиллик қамоқ муддатини ўтаб бўлгандан сўнг озодликка чиқарилган бўлсада, бошқа ўғли ва икки жияни ҳалигача қамоқда; Давлат Департаментининг 2008 йилдаги ҳисоботига кўра, уларнинг барчасига нисбатан диний экстремизм айбловлари қўйилган.

Ўзбекистон жиноий кодекси тегишли равища рўйхатдан ўтмаган “ноқонуний” гурухлар ва Жанубий Шарқда 1920 йилда юзага келган *Хизб-ут-тахрир* мусулмон миссионерлик ҳаракати каби “ман қилинган” гурухлар, ҳамда Ўзбекистонлик қамоқ жазосини ўтаётган математика ўқитувчиси Акрам Йўлдошевнинг 1992 йилдаги ёзма битикларига асосланган *Акромия* гурухини бир-биридан алоҳида кўради. Инсон хуқуqlари химочиларининг хабар беришича, Акрам Йўлдошев савобли ишларга ва Исломий маънавият тамойилларига қайтишга ўзини баҳш этган. Давлат Департаменти берган маълумотга кўра, Ўзбекистон хукумати 1997 йилдан буён *Акромия* аъзоларини босим остига олган ва таъқиб қилган. Уларни *Хизб-ут-Тахрирнинг* бир йўналиши, ҳамда Ўзбекистон Исломий Ҳаракати билан тил бириктириб, 2005 йилнинг май ойида Андижонда қўзғолон кўтариш орқали давлат тўнтаришига уринишда айблайди. Ўша пайтда 23 тадбиркор устидан олиб борилган суд айбловлари орасида *Акромияга* аъзолик айбови ҳам бўлган.

Туркиялик авлиё Саид Нурси издошлари сўнги пайтда Ўзбекистонда расмий равища “таъқиқланган” гурухлар рўйхатига киритилган гурухлардан бири бўлди, лекин хабар қилинишича, “Нурсилар” ўз динлари ҳақида илм олаётган кўнгилли мусулмонлар гурухидир. Яқинда, 2009 йилнинг феврал ойида, Нурси издошларининг икки гурухи устидан диний экстремизм айбловлари билан суд иши ўтказилди, жумладан бешта журналист Нурси йўналишига алоқадор деб топилган “Баҳор” номли журнал чиқарганликда айбланиб, саккиз йилга озодлиқдан маҳрум қилинди. 2008 йилнинг декабр ойида тўққиз кишидан иборат учинчи гурух Бухорода хавфсизлик ҳизмати агентлари томонидан уюштирилган рейд давомида, Нурсининг битикларини муҳокама қилиш чоғида қамоқقا олинди. Хабарларга кўра, тинтуб учун руҳсатнома йўқлигига қарамасдан, милиция томонидан 79 та диний китоб ва бошқа материаллар мусодара қилинган. Декабр ойининг охирида ўтказилган ёпиқ суд мажлисида суд уларни изоляцияда ушлаб туришда давом этишга ҳукм чиқарган. Уларнинг экстремистик ташкилотга алоқадорлиги устидан суд иши апрел ойининг охирида бошланди.

Ўзбекистонда 1998 йилда қабул қилинган Виждон Эркинлиги ва Диний Ташкилотлар тўғрисидаги қонун диний эркинликдан фойдаланишни кескин чегаралайди. Етарли асосларсиз амалга киритилувчи қарорлар орқали диний гурухларни, айниқса,

кичик гурухларни рўйхатдан ўтказиш йўлига қонун томонидан катта тўғаноқлар қўйилади, масалан, рўйхатдан ўтиш учун қонуний манзили кўрсатилган, Ўзбекистон фуқароси бўлган энг камида 100 та аъзога эга бўлиш; рўйхатдан ўтмаган диний харакатларни жиноий деб белгилаш; норасмий диний нашрларни кўпайтириш ва тарқатишни таъқиқлаш; вояга етмаганларни диний ташкилотларда иштирок этишини таъқиқлаш; диний томойилларни мустакил равишда ўқитишини таъқиқлаш; имомлардан бошқа кишиларни жамоат жойларида диний кийим кийиб юришини таъқиқлаш. Давлатнинг диний гурухлар рўйхатдан ўтган марказий бошқарув органига эга бўлиши лозим деган талабига фақатгина олтига ташкилот жавоб беради холос. Шунингдек, диний таълим бериш ҳам давлат томонидан чегаралаб қўйилган, фақатгина давлат рухсати бўлган диний мактабларда ва давлат рухсатномасига эга бўлган муаллимлар томонидан таълим амалга оширилиши мумкин холос. Бу қоиданинг бўзилиши ҳолатлари жарима билан жазоланади.

2005 йил охирида мамлакатнинг жиноий на маъмурий кодекслари такомиллаштирилди, ҳамда диний учрашувлар, йиғинлар, бошқа диний маросимлар ўтказиш ва диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиши борасидаги қонунбузарликларга янада қаттиқроқ жазолар белгиланди. Форум 18 нинг 2007 йилги хабарига кўра, Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизмати (МХХ ёки маҳфий хизмат), асосан хизматнинг Терроризмга Қарши Кураш Бўлими, барча диний фаолиятларни назорат қилиб боради. Андижон вилояти ҳокимлигининг расмий хужжатига кўра, вилоят Муфтийлик бўлими ва давлат Диний Ишлар Кўмитасига барча рўйхатга олинган диний ташкилотларни “доимий кузатувга олиш” бўйруғи берилган. Кўлланилувчи усуллар жумласига ибодат қилинадиган жойлар ичига ва ташига агентлар жойлаштириш, ибодат уйларига яширин микрофонлар ўрнатиш, жамоятчилик орасидан агентлар ёллаш чоралари киради. Уларга, шунингдек, “ноқонуний диний таълим берувчи ва кичик диний мажлислар ўтказувчиларга қарши курашни кучайтириш” бўйруғи берилган.

Қонуннинг кичик диний гурухларга бўлган таъсири яққол кўзга ташланади. Кўплаб черковлар, айниқса этник ўзбек аъзолардан ташкил топган эвангелик черковлар рўйхатдан ўтиш ҳақидаги аризалари эътиборга олинишига ишонмаганлари учун ариза бермаган ёки қайта ҳужжат топширмаган. Давлат Департаментининг 2008 йилдаги ҳисоботига кўра, аъзолари камчиликни ташкил қилган бошқа қичик гурухлар диққат марказига тушиб қолмаслик ва бу натижасида келиши мумкин бўлган ташвишлардан узокроқда бўлиши максадида рўйхатдан ўтишга ариза бермаган. Аризаси бир неча бор рад қилинган черковлар жумласига Тошкент шахрининг Мирзо Улугбек туманидаги Бетани Баптист черкови, Чирчиқдаги Пентекостал черкови, Нукусдаги Эммануел ва Мир (Тинчлик) чекровлари, Гулистондаги Хушхабар черкови, Андижондаги Пентекостал черкови, Фазалкентдаги Баптист черкови ҳамда Самарқанддаги Адвентист, Муборак Грейс Христиан ва Мирал Протестант черковлари киради. 1999 йилдан бўён бирорта ҳам Баптист черкови рўйхатдан ўтказилмаган; бироқ, Баптист Черковлари Кенгashi каби баъзи гурухлар принципиал равишида рўйхатдан ўтишга уринишдан воз кечган. 2007 йилнинг ноябр ойида Тошкент шахар фуқаролик суди Тошкентдаги Грейс Пресбiterian черковининг мулкдорлик хукуқини бекор қилиш ва рўйхатдан ўтиш учун зарур бўлган юридик манзилидан маҳрум қилиш орқали рўйхатдан ўтганликни бекор қилган. Ўзбекистон хукумати Чирчиқда рўйхатга олинган мамлакатдаги энг сўнги Жехова

Шохидлари жамияти фаолиятини тўхтатиш ҳаракатини давом эттирмоқда. Давлат Департаментининг 2008 йилги ҳисбботига кўра маҳаллий, худудий ва республика даражаларида рўйхатдан ўтиш учун ариза берган 10 Жехова Шохидлари аризалари рад қилинган ёки расмий жавоб берилмаган.

Ўзбекистон ҳукуматининг мусулмон бўлмаган гурухларга нисбатан репрессияси 2008 йилда янада кучайди, жумладан зўравонлик ва қамоққа олиш билан қўрқитиши, милиция рейidlари, катта жарималар, диний адабиётларни мусодара қилиш ва йўқ қилиш, диний маросимларни бузиш, қамоққа олиш ҳолатлари кузатилди. Давлат рухсати берилган рамкалардан ташқарида ўз динига амал қилувчи мусулмонлар каби, протестантлар ва Жехова шохидларига “экстремист” тамғаси босилади ва улар доимий қўрқитувда яшайди, махфий ибодат учрашувлари ўтказиш ёки “ноқонуний” диний адабиёт сақлаганликда ушланиб, “ноқонуний диний фаолият” айби билан қамоққа олинади. Янгича репрессив тактика қўлланилишининг бошланиши ўлароқ, Форум 18 хабар қилишича, 2009 йил март ойининг бошида, шахсий уйда бир гуруҳ Баптистларнинг ибодат йифинига карши рейд ўтказиш учун Ўзбекистон милицияси Россиялик протестант рохибни таклиф қилган. 2009 йилнинг яна март ойида 20 та давлат вакиллари Тошкентда рўйхатдан ўтган этник корейс Баптист черковига ибодат пайтида рейд ўтказган, бунинг сабаби сифатида ўтказилаётган ибодат маросими учун 10 кун аввалдан рухсат олинмаганилиги қўрсатилган; кейинчалик черковнинг рохиби 10 кунга қамалган. Жамоат жойида диний фикр билдириш тўғрисидаги қонунни бузганлик ҳақида расмий огоҳлантириш олгандан сўнг Тошкент шаҳридаги Пресбiterian черкови 2008 йилнинг март ойида одатий ибодатларни тўхтатган. 2008 йилнинг феврал ойида Фарғона шаҳрида баптист киши ўз уйида ибодат йифини ўтказгани сабабли ўртacha ойлик иш ҳақини тўқиз баробари миқдорида жаримага тортилган, ҳамда Тошкент яқинидаги рўйхатдан ўтган Пентекостал черкови рохиби диний таълим қоидаларини бузгани сабабли ўртacha ойлик иш ҳақининг икки баробаридан ортиқ миқдорда жаримага тортилган.

Авваллари провославларга нисбатан узоқ муддатли қамоқ таҳди迪 тушмаган эди, 2007 йили Пентекостал рохиби, Андижонлик Дмитри Шестаков тўрт йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Хабарларга кўра, Шестаков баъзи этник ўзбекларни христианлик динига ўтказишга алоқадор деб топилган, лекин унга қарши қўлланилган расмий айблок ноқонуний диний гуруҳ тузиш, диний нафрат ҳиссиётларини тарғиб қилиш ва диний экстремистик адабиётларни тарқатиш даъволарини ўз ичига олган. Тўрт Женова Шохидлари, Абдуманноб Ахмедов, Сергей Иванов, Ирфан Ҳамидов ва Олим Тураевлар расмий рухсатномасиз диний таълим бериш, диний йифинлар ва тадбирлар ўтказишида айбланиб, икки йилдан тўрт йилгача бўлган қамоқ жазосини ўташмоқда. Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятлари ўта кескин динга қарши тадбирлари билан эътиборни тортади, жумладан Харе Кришна ва эвангелик протестант талабаларни университетдан хайдаш ва давлат буйруғи билан деярли барча черковларни ёпиш ҳолатлари кузатилган. Диний Масалалар Кенгаши (ДМК) барча диний адабиётларни тасдиқлаши лозим бўлсада, Ички Ишлар Вазирлиги (ИИВ), МХХ, Божхона Хизмати ва милиция диний адабиётларни мусодара қилиш хукуқига эга, деб хабар беради Давлат Департаменти. Дин тўғрисидаги қонунга биноан фақатгина еттига рўйхатга олинган ташкилот (ҳалқаро Инжил Жамияти, Ўзбекистон Ислом Кенгаши, иккита Исломий марказ, Рус провослав, Тўлиқ Госпел, Баптист ва Рум католик идоралари) диний адабиётларни расмий равишда нашр қилиш,

четдан олиб кириш ва тарқатиш ҳуқукларига эга. Жиноят ва маъмурй кодексларга 2006 йилда киритилган қўшимчаларга биноан, диний адабиётларни такрорий равишида “ноқонуний” нашр қилиш, сақлаш, четдан олиб кириш ва тарқатиш ишлари билан шуғулланган шахслар уч йилгача озодликдан маҳрум қилинади. Бундан ташқари, хабар қилинишича, 2006 йилда чиқарилган маҳфий қўрсатмага асосан ҳар қандай диний китобнинг тиражи 1,000 та нусхадан ошмаслиги лозим.

Диний адабиётларни нашр қилиш учун ДМК ва Муфтийликдан рухсатнома олиш ўта мушкуллигича қолмоқда, шунингдек, хабарларга кўра, ДМК раиси мусулмонлар учун четдан диний адабиёт олиб кирилиши тўхтатилганини айтган. Тошкент шаҳридаги Тўхтабой масжидининг собиқ имоми Обидхон Назаровнинг 2008 йилда Форум 18 га маълум қилишича, Ўзбекистонда хатто машхур ўтган Ислом уламолари китобларини нашр қилиш, жумладан, издошлари қамоққа олинаётганлиги ҳақида юкорида хабар берилган Сайд Нурси томонидан ёзилган китобларни нашр қилиш ҳам тўхтатилган. Бироқ, давлат томонидан бошқарилувчи Мусулмонлар Кенгаши томонидан нашр қилинаётган баъзи китоб ва даврий журналлардан ташқари, мустақил собиқ Муфтий Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф адабиётлар нашр қиласи ва доимий равишида радио сұхбатлар олиб боради. Лекин қонуний равишида четдан олиб кирилган диний адабиётлар ҳам милиция томонидан мусодара қилиниши мумкин, рўйхатдан ўтмаган кичик диний ҳамжамиятлар эса, диний нашрлар, айниқса, ўзбек тилидаги адабиётларни чиқариш ҳуқуқидан умуман маҳрум қилинган. Ўзбекистон давлат органлари протестантлар, Харе Кришна издошлари, Жехова Шоҳидлари ва бошқаларнинг диний адабиётларини тортиб олиш ва ўйқ қилишда давом этмоқда. Форум 18 хабар қилишича, 2008 йилнинг июл ойида ДМК Инжил Жамиятининг 11,000 Инжил ва Инжилга оид ўзбек, қарақалпоқ ва рус тилларидағи китобларни чет элдан олиб кириш туғрисидаги илтимосини рад қилган.

Ўзбекистон хукумати ҳалқаро диний мақсадлардаги сафарларга тўскинлик қилишда давод этмоқда. 2008 йилнинг апрел ойида Адлия вазирлиги Америка ва Истроил фуқаролигига эга бўлган Равин Дэвид Гуревичнинг виза муддатини узайтириш бўйича аризасини рад қилган; 2008 йилнинг июн ойида у депортация қилинган. Давлат Департаменти маълумотига кўра, кўп йиллардан бўён Ўзбекистон хукумати мамлакатнинг расмий квотасида кўрсатилган 25,000 та хожидан фақатгина 5,000 тасигагина Маккага ҳажс сафарига боришга рухсат берган; 2007 йилда фақатгина 5,000 кишига рухсат берилган. Сафарга борувчилар маҳаллий давлат органлари, хавфсизлик хизмати, ДМКнинг Ҳажс Комиссияси ва Муфтийлик томонидан тасдиқланиши лозим. Бундан ташқари, ҳажс сафарига борувчилар давлат тасарруфидаги Ўзбекистон Ҳаво Йўллари орқали сафар қилишлари ва ойлик иш ҳақининг 200 баробарида тўлов тўлашлари лозим.

Ўзбекистон хукумати 2005 йилдаги Андижон воқеаларидан сўнг Ўзбек ҳалқини дунёдан ажратиш ҳаракатларини янада кучайтириб, маҳаллий ва чет эл НДТларига қарши, айниқса, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида иш олиб борувчи ташкилотларга қарши кураш бошлади, ҳамда 2006 йилда уларнинг деярли тўртдан уч қисмини ёпди. 2006 ва 2007 йилларда суд қарори билан вақтингчалик ёки бутунлай ёпилган чет эл ҳомийлигидаги ташкилотларнинг бирортасига ҳам ўтган йиллар давомида қайта очиш рухсати берилмаган. Human Rights Watch 2008 йилнинг бошида Тошкентда офис очишга эришди, лекин 2007 йилнинг май ойида ташкилотнинг ўзбек ходими Умида Ниязова

компьютерида “экстремистик материаллар”, яъни ташкилотнинг Андижон воқеаларига оид ҳисоботини сақлаганликда айбланиб, шартли равища етти йиллик қамоқ жазосига хукм қилинган. 2008 йилнинг феврал ойида ЕИ ва Ўзбекистон ҳукумати вакиллари учрашувидан бир кун олдин “амнестия” қилинган. Бироқ, 2008 йилнинг июл ойида Ўзбекистон ҳукумати Human Rights Watch ташкилотининг директорини аккредитация қилишни рад этган ва шу билан ташкилотнинг Ўзбекистондаги фаолияти тўхтатилган. Давлат Департаменти ҳисоботига кўра Ўзбекистон ҳукумати томонидан одамларни ўз томонига оғдириш фаолиятида айбланган чет эл НДТлари ҳам ёпиқлигича қолмоқда. Ҳар қандай чет эл НДТ ходимлари учун зарур бўлган аккредитация хужжатларини бериш хуқуки Адлия вазирлиги назоратида, бу эса, ҳукумат томонидан одамларни ўз томонига оғдириб олиш фаолиятида шубҳа қилинган ҳар қандай кишини мамлакатдан чиқариб юбориш ёки киритмаслик имкониятини беради. Гуманитар ёрдам тарқатиш билан шуғулланувчи Америка Бирлашган Яхудий Кўмак Кенгашини (ЯКК) ўтган апрел ойида Ўзбекистон қонунларини бузганлик айби билан рўйхатдан ўчириш хавфи юзага келганига қарамай, 2008 йилнинг декабр ойида Адлия вазирлиги қайта рўйхатдан ўтказди.

## **АҚШ Сиёсати учун Тавсиялар**

Ўзбекистонни МЭД сифатида эътироф этиш билан бирга, Кўмита АҚШ ҳукуматига қўйидагиларни амалга оширишни тавсия қиласди:

### **I. Ўзбекистон Ҳукумати билан Алоқа Қилишда Яхлит Овозда Сўзлаш**

- АҚШнинг Ўзбекистондаги инсон хукуqlари билан боғлиқ шароитлар ҳақидаги безовталиги Ўзбекистон ҳукумати билан амалга ошириладиган барча муносабатларда ўз аксини топишини таъминлаш мақсадида АҚШнинг шартлари ва ҳаракатлари барча агентликлар аро мувофиқлаштирилишини таъминлаш;
- Евropa Иттифоқининг 2005 йил октябр оидаги қароридан келиб чиқиб, Ўзбекистонга ёрдам қўрсатиш ва қурол-яроқ сотишини камайтириш, шунингдек, Ўзбекистон ҳукуматининг Андижон воқеаларини мустақил ҳалқаро текширишга рози бўлмаганлиги юзасидан жавоб тадбири сифатида Ўзбекистоннинг юқори мансабдор шахслари ташрифини таъқиқлаш;
- АҚШ томонидан Ўзбекистон ҳукуматига гуманитар шароитларни ва инсон хукуклари холатларини яхшилаш мақсадидаги ёрдамлардан ташқари бошқа ёрдамлар, ҳукуматнинг дин ва иймон эркинлигини таъминлаш, ҳамда ҳалқаро инсон хукуклари стандартларга риоя қилиш даражасига эришиш йўлида маҳсус ишлаб чиқиладиган ва амалга киритиладиган график асосида аниқ қадамларни амалга ошириши шарти билан кўрсатилиши лозим. Бу қадамлар қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:
  - одатда маҳбусларга нотўғри муносабатда бўлишни келтириб чиқарувчи, фақатгина ўз айбига икрор бўлиш асосида хукм чиқаришга барҳам бериш, ҳамда БМТнинг Қийноққа Карши Кўмитасининг тавсиялари (2002 йил, июн) ва БМТнинг Қийноқ бўйича Маҳсус Котибининг тавсияларини (2003 йил, феврал) амалга тадбиқ қилиш;

- шу кунгача диний, сиёсий ёки давлат хавфсизлигига қарши жиноятларда, жумладан Жиноят Кодексининг 159 (“давлатга қарши фаолият” жинояти) ва 216 (“таъқиқланган диний ташкилотда” жиноий аъзолик) моддалари билан айбланиб қамалган шахсларнинг ишларини қайта кўриб чиқиш механизмини ташкил этиш; фақатгина диний қарашлари ёки фаолиятлари сабабидан қамалган, шунингдек, ноҳақ қамалган бошқа одамларни озод қилиш; шу моддаларда айбланиб, ёки айбига иқрор бўлиб, ҳозирда қамоқда бўлган шахслар ҳақида батафсил маълумотларни омма эътиборига хавола қилиш;
- Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунни қайта кўриб чиқиш, ҳамда ҳалқаро стандартларга мос келтириш йўлида Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) Дин ва Иймон Экспертлари Панели тавсияларини тадбиқ қилиш;
- юридик талабларга мос фаолият олиб боришини истаган диний гурухларни рўйхатдан ўтказиш; ва
- ҳалқаро инсон ҳуқуқлари инструментларида кўрсатилганидек, ҳар бир маҳбусни оиласи, инсон ҳуқуқлари кузатувчилари ва адвокатлар билан учрашиши, тегишли тиббий ёрдам олишини таъминлаш, шунингдек маҳбусларнинг қамоқдаги даврида диний ибодатларини тўлиқ бажаришига рухсат бериш;
- АҚШнинг хавфсизлик ва бошқа йўналишлардаги кўмаги Ўзбекистон ҳукумат идораларига йўналтирилмаслигини таъминлаш; Ички ишлар ва Адлия вазирликларининг баъзи таркибий қисмлари 1998 йилда қабул қилинган Ҳалқаро Диний Эркинлик Актида (ХДЭА) кўрсатилган диний эркинлик тамойилларини қўпол равиша бузилишига масъул бўлган; шунингдек
- тегишли дипломатик йўналишлар орқали Ўзбекистон ҳалқига диний эркинлик нима сабабдан АҚШ ташқи сиёсатининг мухим элементи эканлиги, ҳамда улар истиқомат қилаётган давлатда диний эркинликка қарши қандай вазият мавжуд эканлигини тушунтириш.

## **II. Ўзбекистондаги Инсон Ҳуқулари билан боғлиқ Вазият Кенг Ҳалқаро Даражада Текширилишини Тарғиб Қилиш**

- бошқа давлатлар ҳукуматлари билан биргаликда ишлаб, БМТ Инсон Ҳуқуқлари Кенгашининг 1503 конфиденциал резолюцияси асосида Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари ҳолати текширувани тутгатиш ҳақидаги қарорини бекор қилиш, ҳамда бу вазиятни Кенгашнинг очиқ мажлисида муҳокама қилиш;
- Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазиятни ЕХХТ ва бошқа тегишли ҳалқаро форумларда текширув остига олинишини, шунингдек, ҳалқаро инсон ҳуқуқларига оид механизмларда Ўзбекистонлик инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларининг иштирок этишини таъминлашни тарғиб қилиш; ва

- БМТнинг Диний Эркинлик ва Суд Мустақиллиги масалалари бўйича Махсус Котибининг Ўзбекистонга ташриф буюриши юзасидан ҳукумат томонидан розилик берилишига ва керакли барча шарт-шароитлар яратиб берилишига ундаш,

### **III. Ўзбекистондаги Инсон Ҳуқуқлари Ҳимоячиларини ва Диний Эркинлик Ташаббусларини Қўллаб-қувватлаш**

- АҚШ нодавлат ташкилотларининг мамлакатдан чиқариб юборилиши ва улар фаолиятига бир қатор янги тўсиқлар қўйилиши ҳолатлари юзасидан ўз фикрини маълум қилиш; АҚШ ҳукумати, бу тўсиқлар олиб ташланмас экан, бу ҳолат АҚШ-Ўзбекистон муносабатларида жиддий оқибатларга, жумладан, юқори даражадаги учрашувлар таъқиқланишига олиб келиши ҳақида аниқ хабар бериши лозим;
- диний ва сиёсий айбловлар билан қамоққа олинган шахслар ҳолатини синчковлик билан кузатиб бориш, ҳамда Ўзбекистонлик инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари вазиятларини яхшилаш ишларини давом эттириш, жумладан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш гурухларини ва диний ҳамжамиятларни рўйхатдан ўтказишни талаб қилиш;
- Ўзбекистон ҳукуматининг мамлакатга четдан маълумот кириши йўлларини чегаралаш борасидаги ҳаракатларига нисбатан радио, Интернет ва бошқа каналлар орқали Ўзбекистонга тегишли, жумладан таълим, инсон ҳуқуқлари, диний эркинлик мавзуларида объектив янгилик ва хабарлар бериб борилишига қўмаклашиш;
- Америка Овозининг (АО) ўзбек тилидаги дастурларини молиялаштиришда давом этиш, телевидение ва радио орқали дастурларни тақдим қилиш Бошқарувчилари Кенгашининг Ўзбекистонда янгиликлардан бехабар қолган аҳоли, шунингдек, Афғонистон ва бошқа кўшни давлатлардаги ўзбек миллатига мансуб аҳолини қамраб олиш йўлидаги мақсадига эришишда қўмаклашиш;
- Ўзбекистондаги диний эркинлик масалалари билан шуғулланувчи фуқаролик жамиятлари фаоллари, диний етакчилар ва бошқаларнинг тегишли ҳалқаро конференцияларда қатнашиш имкониятига эга бўлишлари учун уларнинг ҳалқаро сафарларга чиқиши имкониятларини кенгайтириш;
- Ўзбекистон ҳукуматининг қаршиликларини енгиб ўтишга уринишни давом эттириб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ва диний эркинликни тарғиб қилувчи жамоат ташкилотларини яратиш бўйича Ўзбекистон учун кўмак дастурларини ишлаб чиқиши, шунингдек, милиция ва бошқа ҳуқуқ тартибот идораларига инсон ҳуқуқлари, қонун устиворлиги мавзуларида тренинглар ўтказувчи дастурларни тарғиб қилиш; бундай дастурларни ташкил қилиш борасидаги шу кунгача амалга оширилган ҳаракатлар етарли натижага бермагани сабабли, улар синчковлик билан ишлаб чиқилиши, кузатиб борилиши ва куйидаги аниқ мақсадларга эришиш шартларидан келиб чиқиши лозим:

- махбусларнинг Ўзбекистонлик қариндошларига юридик кўмак бериш дастурларини кенгайтириш, чунки бундай кўмак баъзи холларда махбусларнинг озод қилинишига сабаб бўлган;
  - диний ҳамжамиятлар вакилларининг рўйхатдан ўтиш жараёнларида юридик маслаҳатчи сифатида кўмак бера олишлари учун уларга “тренер учун тренинг” юридик дастурларини кенгайтириш;
  - АҚШ Ҳалқаро Тараққиёт Агентлигининг Демократия ва Конфликтлар дастури ҳамда АҚШ элчихонаси томонидан амалга оширилувчи Демократия Кўмитаси Кичик Грантлари дастурлари доирасида диний эркинлик мавзусини грант категорияси этиб тайинлаш; ва
  - Республика ва маҳаллий миқёсларда Ўзбекистон ҳукумати расмийлари ва Ўзбекистон диний эркинлик жамияти вакиллари ўртасида очик учрашувлар ўtkазишни тарғиб қилиш; ва
- малака айирбошлаш дастурларида Ўзбекистонлик инсон ҳуқуqlари ҳимоячилари ва дин вакиллари учун имкониятларни кенгайтириш, айниқса:
    - барча диний жамиятлар вакилларини қамраб олиш мақсадида Ўзбекистонлик дин етакчилари учун малака айирбошлаш дастурларини кенгайтириш; ва
    - малака айирбошлаш дастурининг Ўзбекистонлик қатнашчиси Ўзбекистонга қайтгандан сўнг Ўзбекистон давлат идоралари билан қийинчиликларга йўлиқкан ҳолатларда АҚШ элчихонаси кескин қаршилик билдиришини таъминлаш, ҳамда, агар бундай қийинчиликлар давом этса, АҚШ-Ўзбекистон муносабатларининг бошқа жиҳатларида салбий оқибатларга олиб келиши, жумладан, юқори даражадаги учрашувлар таъқиқланиши ҳақида хабар бериш.